

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
ягона акциядорининг 2017 йил
31 августдаги қарори билан

“ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

Ташкент – 2017й.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ.....	3
III. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ	4
IV. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	7
V. ИЖРОИЯ ОРГАНИГА ХАҚ МИҚДОРINI ТЎЛАШ ТАРТИБИ.....	8
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	9

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) статусини ва ижроия органининг иш фаолиятини белгилайди.

1.2. Жамиятнинг кундалик фаолияти бошқарув кегашини - коллегиял ижро органи –томонидан амалга оширилади, унинг ваколатлари ушбу Низом ва Жамият устави билан белгиланади.

1.3. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Жамият устави ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексини тавсиялари асосида ишлаб чиқилган.

II. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият бошқарув аъзолари 4 кишидан иборат бўлиб, бир йилга ягона акциядорнинг қарори билан тайинланади (сайланади).

2.2. Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тайинланади, кейинчалик улар акциядор қарори билан тасдиқланади.

2.3. Бошқарув аъзолари ва раислигига номзодлар ўзининг жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

2.4. Ижро этувчи орган таркибига у ёки бу номзодни тавсия этилар экан кузатув кенгаши раиси шартнома тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун тўланадиган ҳақ, иш ҳақи ва компенсация миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.5. Жамиятнинг бошқарув аъзолари ва раисини тайинлаш (сайлаш) бўйича қарор Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгаси томонидан қабул қилинади.

2.6. Жамия раиси ва бошқарув аъзолари лавозимига номзодлар ягона акциядор томонидан ўзларининг номзодлари кўриб чиқишиш жараёнида иштирок этишлари мумкин.

Жамия раиси ва бошқарув аъзолари лавозимига номзодлар тайинлангандан (сайлангандан) сўнг Кузатув кенгаши мажбуриятларини бажарилиши бўйича у билан шартнома танлов натижалари асосида узайтириш ёки тухтатиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинган ҳолда бир йил муддатга тузайтиради. Шартномани жамият номидан кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши томонидан вакил қилинган шахс имзолайди. Раиси ва ижроия органи аъзолари билан тузиладиган шартномада

Жамият фаолият самарадорлигини ошириб бориш бўйича ҳамда Жамият бизнес-режаси бажарилиши бўйича хисоботларни ўз вақтида Жамият кузатув кенгаши олди бериб бориш кўзда тутилган бўлиши керак.

2.7. Ягона акциядор Жамият раис ёки бошқарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда, улар билан тузилган шартномани тўхтатишига (бекор қилишга) ҳақли.

2.8. Ягона акциядор Жамият раиси ёки бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни улар томонидан Жамият устави қўпол тарзда бузилганда ёки Жамиятга уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида зарар етказилганда муддатдан олдин (бекор қилиш) тўхтатиш ҳуқуқига эга.

2.9. Жамият раиси ёки бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни (бекор қилиш) тўхтатиш, шунингдек муддатдан олдин (бекор қилиш) тўхтатиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг овоз берувчи акциялар эгаси - ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

2.10. Жамият раиси ёки бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни (бекор қилиш) тўхтатиш тўғрисида ягона акциядор томонидан қабул қилинганда, Жамият раиси ёки бошқарув аъзолари ваколатларини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги масала Жамият бошқарув раис вазифасини вақтинча бажарувчиси тайинланган ҳолда ушбу йиғилишда ёки келгуси ягона акциядор йиғилишида кўриб чиқилиши мумкин.

III. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Жамият бошқаруви ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига доир масалалар киради, ягона акциядор ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Бошқарув аъзолари Жамият ягона акциядор ва кузатув кенгаши қарорлари, уларнинг ҳар бири билан тузилган меҳнат шартномасидаги шартлар, ушбу низом, Жамият устави ва қонун ҳужжатларда билан белгиланган ваколати доирасида фаолият юритади.

Бошқарув аъзолари Жамият кузатув кенгаши ва ягона акциядор қарорларини бажарилиши таъминлайди.

3.3. Бошқарув раиси Жамиятнинг меҳнат жамоа аъзолари ва унитар корхоналар директорлари учун иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришлар тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда уларнинг миқдорини белгилайди.

3.4. Бошқарув раиси ва аъзоларнинг ҳуқуқлари:

Жамият номидан ишончномасиз фаолиятни амалга ошириш, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча Давлат ва бошқа ташкилотларида Жамият манфаатларини ифодалаш;

Банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа ҳисоб рақамлар очиш, Жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларга биринчи бўлиб имзо чекиш ҳуқуқига;

Жамиятнинг мижозлари билан, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар (битимлар) тузиш ва имзо чекиш;

Жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

Ўзининг ваколатлари доирасида Жамиятнинг пул маблағларини ва мол-мулкларини идора этиш;

Ходимларнинг штат жадвалларини аниқлаш ва тасдиқлаш;

Ходимларни ишга олиш, улар билан тузилган меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга интизомий чорлар қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатларга мувофиқ Жамият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни (барча турдаги меҳнатдаги иштироки коэффицентини, қўшимчалдар, устамалар ва мукофатлар) белилаш;

Жамият ходимларининг ловозим инструкциячисини ва таркибий тузулмалари ҳақида низомларни тасдиқлаш;

Жамият номидан ишончномалар бериш;

Жамият номидан уни таркибига кирадиган корхона бошқарув органларида ўзининг вакилларини овоз бериш ўрнини бергилаш;

Жамият бизнес таваккалчиликларини ва бошқарув аъзоларининг жавобгарлигини суғурталаш;

Жамиятнинг барча ходимлари учун ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатма ва фармойишлар бериш;

Жамият ички норматив ҳужжатларни тасдиқлаш, кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

Жамият уставига, муҳнат шартномасига ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

3.5. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги;

Жамиятни самарали ва барқарор ишлашини таъминш, кундалик хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ташкилот ва корхоналарда, шунингдек Давлат муассасаларида Жамият манфаатларини химоя қилиш;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш ва кузатув кенгаш қарорларини бажарилишини ташкиллаштириш;

Жамият таркибий бўлимлари ўртасида ўзара самарали ҳамкорликни таъминлаш;

Жамиятнинг шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

Ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун керак бўладиган миқдордаги фойда олинишини таъминлаш;

Жамиятнинг ривожланиш бизнес режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши ташкиллаштириш ва назорат қилиш;

Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамиятнинг бухгалтери ҳисоб ва ҳисоботи тўғри ва ишончлилигини, тегишли органларга йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга тақдим этилишини таъминлаш;

Йиллик бизнес режа бажарилаётганлигини юзасидан Жамият кузатув кенгаши олдида ҳар чорақда ҳисобот бериш;

Жамият аудитори, тафтиш комиссияси ва кузатув кенгаши талаблари бўйича Жамиятнинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилишини таъминлаш;

Тегишли ташкилотларга Давлат статистика ҳисоботларини тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг тижорат сири тўғрисидаги маълумотларни сақлаш, агар ушбу маълумотлар учунчи шахсларга берилиши мажбуриятлар доирасидан ташқари бўлса.

Жамиятнинг тижорат сири тўғрисидаги маълумотлар кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Жамият ходимлари томонидан Жамият тижорат ва хизмат сирлари тўғрисида маълумотлар сақланилишини таъминлаш;

Жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажриба ва қобилиятларидан юқори даражада фойдаланишни ҳамда Жамиятни малакали ходимлар билан тўлдиришни таъминлаш;

Мехнат интизомини сақлаш;

Жамият ходимларини мехнат муҳофазасига ва ижтимоий кафолатларини риоя этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг ходимларини ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда ишроқ этиш орқали уларнинг малакасини ошириш;

Жамоавий битим мажбуриятларини бажарилиши юзасидан Жамоавий келишувлар ва шартномалар тузилишда иш берувчи сифатида уларда иштирок этиш;

Бошқарув аъзолари ваколатлари доирасига таалукли ишлар ҳолати тўғриси ҳисоботларни Жамият ягона акциядорига ва кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

Жамият ягона акциядори қонунчиликда назарда тутилган тўланган ва ҳисобланган дивидендлар, ваколоти доирасига кирадиган қабул қилинган қарорлар тўғридаги маълумотларни олиш ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш;

Бошқарув аъзолари билан Жамият ўртасида битим тузилаётганда ўзларини афилланганлиги тўрисида Жамият кузатув кенгашини хабардор қилиш;

Қонунчилик, Жамият устав ва бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя этилишини таъминлаш;

3.6. Жамиятнинг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

3.7. Жамият бошқарув раиси ва аъзолари бошқа ташкилот ловозим вазифаларига Жамият кузатув кенгашининг розилиги билан рухсат берилади

IV. ИЖРОИЯ ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият бошқарув аъзолари ўзларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини бажариш жараёнида Жамият манфаатларини кўзлаб фаолият юритишлари ва ўзнатилган тартибда жавобгар бўлишлари шарт.

4.2. Жамият бошқарув аъзолари ўзларининг иш даврида Жамиятга махсулот сотиб ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муаммолар туғдирадиган корхоналарни ташкил этишда ёки уларда иштирокчи бўлиши ҳуқуқига эга эмас. Жамият бошқарув аъзолари бошқарув тайинланганда Шунга ўхшаш корхоналардаги ўзни иштирокини тўхтатишлари ва бу ҳақда кузатув кенгашига хабардор қилишлари шарт.

4.3. Жамият бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажармаслик ва керакли ишларни амалга оширмаслик оқибатида Жамиятга етказилган зарар учун Жамият устави ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.4. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари эгаси ягона акциядор ёки Жамият, Жамиятга келтирилган зарарни қоплаш учун Жамият бошқарув аъзолари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

V. ИЖРОИЯ ОРГАНИГА ХАҚ МИҚДОРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Бошқарув раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш Жамият фаолият самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори асосида тузилган шартномада белгиланади.

5.2. Бошқарув раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш ҳамда мукофотлаш ушбу Низомда ўрнатилагн тартибда амалга оширилади.

5.3. Бошқарув раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш Жамият фаолият самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлиб, хар чоракда асосий шаклда амалга оширилади, унинг миқдори шартнома орқали белигиланган бўлиши керак.

5.4. Бошқарув раиси ва аъзоларига асосий мукофотлашдан ташқари, Жамият фаолият самарадорлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлмаган жамоавий шартномага асосан, давлат, миллий ва саҳовий байрамларда коллектив меҳнат аъзолари билан бирга уларга раҳбатлантиришлар амалга оширилади.

5.5. Кузатув кенгаши томонидан Жамият бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда, Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарори асосида билан тасдиқланган низомда келтирилган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари қўлланилади.

Ижро органининг фаолият самарадорли куйидаги тоифалардан келиб чиқиб белгиланади:

Қониқарсиз - самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 40 (ушбу даража ҳам киради) фоиздан кам бўлса, мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;

Паст даражада - самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса, мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;

Етарли даражада эмас - самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса, мукофот ловозим маошининг 70% миқдорида амага оширилади;

Ўртача даражада – самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса — мукофот ловозим маошининг 80% миқдорида амага оширилади;

Етарли даражада – самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) 100 фоизгача бўлса — мукофот ловозим маоши миқдорида амага оширилади;

Юқори даражада - самарадорлик йиғинди кўрсаткич миқдори 100 фоиздан ошса — мукофот ловозим маош миқдорининг 1.25 барабарда амага оширилади;

5.7. Асосий ва узоқ муддат ишлаганлик учун мукофотларни тўлаш, шунингдек, Давлат, миллий ва саҳовий байрамларида Жамият бошқарув аъзоларини мукофотлаш Кузатув кенгашининг қарорини олмасдан туриб, ушбу Низомнинг 5.6. пунктининг “Етарли даражада” тоифасида амалга оширилади.

Бунда, ушбу Низомнинг 5.6. пункт талабларидан келиб чиққан ҳолда ижро органи фаолиятининг самарадорлик муҳим кўрсаткичлари бўйича кузатув кенгаши қарорининг натижасида қайта ҳисоб китоб амалга оширилади. Агарда баҳо “етарли даража” тоифасидан паст бўлса, мукофотдан тўланиладиган суммадан ушлаб қолинади. Агарда, баҳо “етарли даража” тоифасидан юқори бўлса, унга мувофиқ қўшимча тўланилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Ушбу Низом, шунингдек унга ўзгартириш ва кўмишчалар ягона акциядор қарори билан тасдиқланади.

6.2. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият кузатув кенгаши ҳамда бошқарув раисининг таклифларидан келиб чиқиб киритилади.

6.3. Агар мазкур Низомнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига зид келса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва ушбу қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият уставига амал қилинади.